

## Мақтабгача ёшдаги боланинг шахс сифатида шаклланишида оила ва маҳалладаги тарбиянинг таъсири

Буранова Шохноза ЖДПИ,

Мақтабгача таълим факультети ўқитувчиси

Қувватова Фарангиз ЖДПИ,

Мақтабгача таълим факультети 1 курс талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада мақтабгача ёшдаги боланинг шахс сифатида шаклланишида оила ва маҳалладаги тарбия таъсирининг ўрни ва беқиёслиги ҳақида фикрлар билдирилди.

**Калит сўзлар:** Оила, тарбия, бола шахси, оиланинг иштироки, ҳамкорлик, маънавий ва жисмоний камолот, тизимлилик, педагогик компетентлик.

**Аннотация:** В статье рассматривается роль и своеобразие влияния воспитания семьи и махалли на формирование личности дошкольника.

**Ключевые слова:** Семья, воспитание, личность ребёнка, участие семьи, сотрудничество, духовное и физическое развитие, систематизация, педагогическая компетентность.

**Annotation:** This article discusses the role and uniqueness of the influence of family and neighborhood traditions in the formation of a preschool child as a person.

**Key words:** Family, upbringing, child's personality, family participation, cooperation, spiritual and physical development, systematization, pedagogical competence.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган янгиланишлар ва ўзгаришлар даври бўлди, десак муболаға бўлмайди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган улкан натижалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида танланган тараққиёт йўлининг порлоқ эканлиги, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, изчил иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби йўналишлар суверен давлатимизнинг адолатли ва инсонпарвар ички сиёсатида доимий устувор бўлиб келаётгани, улар сирасида жамиятнинг маънавий юксалиши ва шахс маънавий камолотига берилаётган эътибор алоҳида ўрин эгаллашини тўла исботлади. Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак иқтисодий фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини маънавий шакллантириш масалалари давлатимизнинг доимий диққат

марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун кенг имкониятлар яратилиб, кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Оналар ва болаларнинг ижтимоий муҳофазаси, соғлом оила муҳитини, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, уларни спортга, кўшимча таълимга жалб этиш, соғломлаштириш ва профилактик тадбирлар, касбга йўналтириш, ҳар тарафлама уйғун ривожланган етук шахсни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёдаги бирорта давлат эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун уларнинг замон талабларига мос билим олиши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан биргаликда доимий диққат марказида тутишида, қайғуришида Ўзбекистонга тенглаша олмайди. Бу ҳақиқатни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этганлигини таъкидлаш ўринлидир. Айти пайтда дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари барчамизга янги вазифалар юкламоқда. Шундай вазифалардан бири – ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби ҳислатлар билан бирга юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-қимматни ва миллий урф-одатларни эъзозлайдиган инсонлар қилиб тарбиялашдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Мактабгача таълим ва тарбия Қонуни”, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Мактабгача таълим вазирининг буйруқлари, “Мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ва мавзуга оид педагогик-психологик, илмий-методик манбалардаги назарий ва амалиёт уйғунлиги, бола шахсини ривожланишида замонавий ахборот технологиясининг ўрни, бола шахсини ривожланишида касбий ва педагогик таълимнинг назарий ва амалий асослари методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Мактабгача ёшдаги болаларга сифатли таълим-тарбия бериш давлат аҳамиятидаги вазифа эканлигини барчамиз яхши биламиз. Мактабгача таълим ҳаётий қарашлар билан ўлчанганда қисқа вақтни ташкил қилса ҳам, ҳаётнинг кейинги йиллари учун таъсири жуда аҳамиятлидир. Мактабгача таълим соҳасидаги кенг кўламли ислохотлар, янгиланишлар, ўқув-моддий негизни такомиллаштириш, капитал қурилиш, реконструкция ҳамда маънавий-маърифий йўналишлардаги олиб борилаётган ишлар мамлакатимизда баркамол авлод таълими ва тарбиясида энг долзарб, устувор масалалардан бири эканлигини ҳисобга олганда педагог кадрлар малакасини оширишнинг замонавий талаблар даражасида бўлиши қанчалик муҳим

аҳамиятга эга эканлиги яққол кўринади. Келтирилган асосларга кўра тарбиячиларни маҳалла, оила ва мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорлик тизими ишларини ривожлантиришда инновацион фаолиятга тайёрлаш ва илмий-методик таълимотини такомиллаштириш мазкур йўналишдаги долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларини касбий фаолиятга бўлган инновацион ёндошувини оила, маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорликда бола таълим-тарбиясини узвийлигини таъминлаш сифатини ошириш ва унга мос илмий-методик таъминотни яратишга имкон бериш билан мазкур мавзунинг долзарблиги ва ижтимоий жиҳатдан зарурлигини ҳам белгилаб беради. Мактабгача таълим ва мактаб ҳамкорлиги юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий ишлар олиб борилган бўлсада, бироқ мактабгача таълим ташкилоти, оила ва маҳалла ўртасида педагогик ҳамкорлик муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогика жараёни илмий асослаш ҳамда махсус тадқиқ этиш заруриятининг сақланиб қолаётганлиги бу борада жиддий илмий ёндошувлар, замонавий билимларга бўлган эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатмоқда. Ҳамкорликда болаларни таълим-тарбиясида мактабгача таълим, болаларни мактабга тайёрлаш муаммолари бўйича А.Сулаймонов, Л.Мўминова, Ф.Қодирова, М.Расулова, Б.Р.Жўраева, Г.Амирова, Д.Г.Бобоева, Ш.Шодмонова, М.Асқархўжаева, К.С.Шодиева, Ф.Б.Валихўжаева, Х.К.Мамедов, Х.А.Мелиев ва бошқалар. МДҲ олимларидан Э.А.Нанейшвили, Н.А.Васильева, Н.Ньюкомб, Н.Н.Жирнова, В.В.Давидов, Н.А.Менгинская, Е.А.Авилова, хорижлик олимлардан А.Кирстен, К.Роксана, Кейт Берк Уолшлар ўзларининг тавсияларини ишлаб чиққанлар.

Республикамиздаги мактабгача таълим ташкилотларининг моддий негизини мустаҳкамлаш ва бойитиш, ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш, модернизация қилиш бўйича кенг кўламли амалга оширилган ишлар натижасида ташкилотларга барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Ушбу ишлардан кўзда тутилган асосий мақсадга эришишнинг энг зарур шартларидан бири болаларга сифатли мактабгача таълим беришни таъминлаш, яъни болаларни мактаб таълимига тайёрлашда оила, маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорликда бола таълим-тарбиясини узвийлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Бу вазифани амалга оширишда педагог кадрлар малакасини ошириш тизими фаолиятининг сифати ва самарадорлиги замонавий даражада бўлиши алоҳида ўрин тутди. Ҳозирда ушбу тизимни, хусусан, унинг мазмунини такомиллаштириш йўналишида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Шу ишларнинг мантиқий давоми сифатида

мактабгача таълим мазмунини замонавий талабларга мослаштириб бориш соҳасидаги мавжуд илғор тажрибаларни ва иш усулларини ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда ушбу соҳада раҳбар ва педагог кадрларига етказиш мақсад қилиб олинган. Мактабгача таълим ташкилотларида бола ривожланишининг асосий йўналишлари бўйича машғулотлар сифати ва самарадорлигини ошириб бориш бўйича илғор тажрибалар, ўзига хос ёндашувлар, ота-оналар билан ҳамкорлик ижодкор педагоглар томонидан амалда қўлланмоқда, шунингдек, илмий тадқиқотлар натижалари асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Улар асосида мактабгача ёшдаги болалар ривожланиши бўйича таянч режа ва дастурларни такомиллаштириб бориш назарда тутилади. Режалаштирилган фаолиятимизнинг самараси сифатида авваламбор, тизим педагогларининг салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу борадаги ишларнинг амалдаги исботини мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари асосида курсларнинг ўқув-мавзу режа ва дастурлари ишлаб чиқилганлиги ва унинг такомиллаштирилганлиги, курс машғулотлари мазмунига тегишли ўзгартиришлар киритилаётганлигида кўришимиз мумкин. Мазкур долзарб йўналишлардан бири мактабгача ёшдаги болани мактаб таълимига сифатли тайёрлашда оила, маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорликда бола таълим-тарбиясини узвийлигини таъминлашни илмий–услубий жиҳатдан таҳлил қилишдир.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизими юксак суръат билан ривожланиб бораётган бир пайтда ёш авлод зиммасидаги маъсулият ҳам ортмоқда. Уларга берилиши лозим бўлган билим йил сайин ҳажми ортмоқда. Болаларни мактабгача таълим давридаёқ мактабга сифатли тайёрлаш, илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига қўйиладиган давлат талабларининг бешта соҳаси бўйича ривожлантириш, таълимнинг янги шакллари замонавий – инновацион педагогик технологиялар асосида таълим–тарбия бериш амалга оширилмоқда. Бола ривожланишининг ўзига хослигини ҳисобга олишда аввало шуни тушуниб етиш керакки, барча болалар ривожланишининг маълум босқичларини босиб ўтадилар, бироқ бунда ҳар бир бола алоҳида ноёб ва тақрорламасдир. Тарбиячилар болаларни айнан бир хил, ўхшаш нарсалар ва фаолият турлари билан таъминлашлари учун уларни ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари лозим. Шунингдек, тарбиячилар бир хил ёшдаги турли болаларнинг қобилиятлари ва қизиқишларидаги фарқларга эътибор билан муносабатда бўлишлари кераклигини мутахассислар алоҳида таъкидлашади. Бунда бола ривожланишининг ўзига хослигига доир

жихатлар, яъни болалар қизиқишларига жавоб берувчи фаолият турлари, уларнинг ижтимоий ва ҳиссий етуклик даражаси назарда тутилади. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиси ва ота-онанинг, маҳалланинг ўрни шундан иборатки, болаларнинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда уларга мақсад қўйиши, болаларнинг табиий қизиқишларини қўллаб қувватлаши, уларда борлиқни биргаликда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришлари керак. Модомики, ҳар бир инсон интеллектуал салоҳиятининг қирқ фоизи у дунёга келган дастлабки йилларда шаклланадиган экан, сифатли мактабгача таълим олган бола келажакда кўп имкониятларга эга бўлар экан, шунинг учун уларга ёшлигиданок эътиборимизни қаратмоғимиз зарур. Бунда оила, маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорликда бола таълим-тарбиясини узвийлигини таъминлаш болага сифатли мактабгача таълим беришга пойдевор бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларни ёшига мос равишда ҳар томонлама ривожлантириш, мактаб таълимига сифатли тайёрлашда ота-оналар билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар алоҳида аҳамиятга эга. Таълим-тарбия жараёнида оила, маҳалла ва мактабгача таълим ташкилоти ўртасида узлуксиз муносабатлар бўлиши зарур. Бу ишлар тизимлилик тамойили асосида оиладан мактабгача таълим ташкилотига, мактабгача таълим ташкилотидан маҳаллага босқичма-босқич давом этиб боради. Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, мактабгача таълим ташкилоти қанчалик аҳамиятли бўлмасин, мактабгача ёшдаги болалар учун тарбия масаласида оила биринчи ўринда туради. Бола уйда ўрганганини мактабгача таълим ташкилотида давом эттиради, мактабгача таълим ташкилотида оиладаги тарбия маълум даражада коррекция қилинади. Биз тажриба ишимиз давомида болаларнинг ота-оналари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиш учун қуйидаги фаолиятлардан фойдаландик:

- ота-оналарда болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим ташкилоти ва маҳалла ходимлари билан ҳамкорлик қилишга интилишини ўқувлар асосида шакллантирдик;

- ота-оналарнинг педагогик компетентлигини ошириш мақсадида ота-оналарга уйда бола билан машғулот ўтказиш учун зарур бўлган методик усулларни ўргатдик;

- ота-оналарга бола шахсини ривожлантириш учун хизмат қиладиган махсус тарбия усулларини ўргатдик. Оилаларни ҳамкорликдаги ишга жалб этиш болаларга ҳам, ота-оналарга ҳам, мактабгача таълим ташкилотига ҳам фойда келтирди. Мулоқот, ўзаро ҳурмат, бола манфаатларининг муҳимлигини

этироф этиш самарали ҳамкорликка асос бўлиб хизмат қилди. Самарали ҳамкорлик шакллантирилиши учун педагоглар ва ота-оналар билан янги кўникма ва билимларни ривожлантирдик. Педагоглар ва ота-оналар, маҳалла вакилларининг биргаликдаги фаолияти ва ўзаро мулоқоти механизмларнинг мавжудлиги ҳар бир оиланинг манфаатлари ва хоҳиш-истакларига мос келадиган ҳамкорлик шаклларни ишлаб чиқишга замин яратилди. Тажрибамиз давомида оиланинг ва педагогик жамоанинг мўлжаллари ёки мақсадлари ҳар доим ҳам мос келавермаслигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам бола қабул қилиниши билан мактабга тайёрлаш ва мактабгача таълимнинг ўқув дастурини ота-оналар билан муҳокама этиш ва бу борадаги мулоқотни йил давомида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Тажрибамиз давомида ўқув йилининг бошидаёқ ҳамкорлик масаласини муҳокама этишимиз келгусидаги мулоқотни йўлга қўйишга ёрдам берди.

Шундай қилиб, болаларни мактабга тайёрлашда ҳар бир педагог барча фаолиятларни ота-оналар билан ҳамкорликда ташкил этса болалар жуда катта ютуқларни қўлга киритадилар, тезда яхши натижаларга эришадилар. Шу сабабли ҳам ота-оналар билан ҳамкорликнинг самарали йўлларини тинимсиз излаш ва қўллаш лозим. Мазкур мақолада оила, маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорликда бола таълим-тарбиясини узвийлигини таъминлаш муаммосига қаралди ва юқорида қайд этилганидек шубҳасиз долзарб муаммодир.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида» ги Қонуни. Боланинг қонуний вакиллари ва педагогларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. – Тошкент.: 2019 йил “Халқ сўзи” газетаси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини тўплами. – Т., 2017. – Б. 39.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони ПФ – 5198 Т.: 2017й 30-сентябрь. “Халқ сўзи” газетаси
4. «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5325 – сонли Фармони, - Тошкент.: 2018 йил 2 февраль. “Халқ сўзи” газетаси

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мақтабгача таълимни 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” ПҚ-4312 қарори Т.: 2019 йил 8 май.
6. М.Ҳамидова ва бошқалар. “Мақтабгача ёшдаги болаларнинг камолотида янгича ёндашув ва уни тарғиб қилишда жамоатчилик иштироки” . Т.: “Ўқитувчи” 2014й, 252 б
7. “Болага йўналтирилган таълим дастурини ташкил этиш” Т.: “Квинта Принт” нашри 2012й, 263б
8. “Сифатли мақтабгача таълим-бола келажагининг пойдевори” Т.: 2014 й 14-бет
9. Ф.Қодирова ва бошқалар. “Мақтабгача педагогика” -Т.: “Маънавият” 2013 йил, 160 б
10. «Мақтабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясини такомиллаштиришнинг муаммо ва ечимлари» мавзусидаги ЖДПИ нинг республика илмий-амалий анжуманнинг мақолалар тўплами.-Жиззах “Иқтисод молия” 2009 йил ,211б
11. H. Meliyev, Sh. Buranova // The continuity of neighborhood, family and preschool educational organization as a condition of successful adaptation to school life//.Дата публикации 2020/7/15, Журнал Journal of critical reviews, Том 7, Номер11, Страницы 2690-2697.
12. Ш.Буранова // Развитие преемственности махалли, семьи и дошкольного Образовательного учреждения//. Дата публикации 2019/5/17 // Материалы Международной научно-практической конференции на тему: Достижения женщин в области науки, образования, культуры и инновационных технологий //, Том 2, Страницы 175-180.

### **Интернет сайтлари:**

1. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. [www.mahallafond.uz](http://www.mahallafond.uz)
3. [www.oila.uz](http://www.oila.uz)